

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019.РЕД.78/03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВА БИБИХОЛ ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНОФ  
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ  
ҲАДИСЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Каримова Бибихол Хайруллаевна**

Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни  
хадислар асосида шакллантириш ..... 5

**Каримова Бибихол Хайруллаевна**

Формирование национальной гордости на основе хадисов у воспитанников  
начальных классов домов милосердия .....21

**Каримова Бибихол Хайруллаевна**

Formation of National Pride in Pupils of Primary Classes at Mercy Houses on the  
Basis of Hadiths ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....41

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.PED.78/03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВА БИБИХОЛ ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ  
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ  
ҲАДИСЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1070 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда "Ziyounet" Ахборот таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Юсуп Ғаниевич  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рузиева Дилноз Исомжоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Шадиев Нарзикул  
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "10 март" соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (99876) 223-13-11; 221-74-55. Факс: 0(376) 221-76-90; web-site: [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz); e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 47 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (99876) 223-13-11; 221-74-55. Факс: 0(376) 221-76-90; web-site: [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz); e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "1" 03 кунни тарқатилди.  
(2022 йил "1" 03 даги 3 - рақамли реєстр баённомаси).



*[Signature]* И. Чариев  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

*[Signature]* М.Қ. Бозорова  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

*[Signature]* Х.Ж. Худойкулов  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё мамлакатларида боқувчисини йўқотган етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга таълим-тарбия бериш муаммолари ҳар томонлама ўрганилган ва ижобий натижаларга эришилганлиги сабабли амалиётга жорий қилинмоқда. Бола вояга етиши даврида турли ижтимоий сабаблар туфайли етим бўлиб қолиши мумкин. Етимликнинг олдини олиш муаммолари фостер оиласи мисолида амалга оширилади. Натижада, боланинг етим бўлиб қолиш ҳолатларини бартараф этишга сабаб бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 1989 йил 20 ноябрдаги «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга мувофиқ тарбияланувчи ижтимоий ҳимоя қилинади. Унда кўзда тутилган мақсадни амалга оширишда ҳар бир давлат масъул эканлигини ҳис этади. Жумладан, болалар уйларидаги тарбияланувчилар шахс сифатларининг шаклланиши ва бир қанча руҳий ҳолатларга тааллуқли муаммолар, қаровсиз қолган болалар орасидаги жиноятчилик, қонунбузарлик ҳолатлари, бола ҳеч қачон жиноятчи ёки қонунбузар бўлиб дунёга келмаслиги, қаровсиз қолган болалар ўртасидаги қонунбузарлик ва жиноятчилик хусусиятларини қайта тарбиялашга эришиш мумкинлиги юзасидан муаммоларнинг ечимларини топишга эътибор қаратилган ва илмий - тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 июль куни кам таъминланган оилалар ҳамда меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчи болаларни қўллаб-қувватлашга бағишланган видеоселектор йиғилишида қуйидагиларни таъкидлади. “Меҳрибонлик уйлари”даги болаларга тарбия бериш, уларни фан, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича мутлақо янги методикаларни ишлаб чиқиш зарур”.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини тўлиқ назоратга олиш ва уларнинг ижтимоий таъминоти кафолатланиб қўйилган, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 54-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон „Оила Кодекси тўғрисида” ги қарори, 2019-2023 йилларда меҳрибонлик уйлариноинституциялаштириш дастурини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 824-сон «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Сўбат. Ўзбекистон янгиликлари. Расмий сайт. [www.gazeta.uz/uz](http://www.gazeta.uz/uz) 2021 йил 28 июль.

болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакл ва методларини танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрь 230-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳрибонлик уйи тўғрисида»ги Низоми қабул қилиниб, у ўзининг амалдаги ижросини таъминлади. Мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада ҳизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Боланинг ривожланиш даврида уларни таълим муассасаларида тарбиялаш борасидаги тадқиқот ишлари МДХ давлатлари олимлари Л.И.Божович, Ю.А.Володина, Л.Д.Гулина, И.Б.Дубровина, Т.Дяконова, А.М.Залисина, Н.П.Иванова, А.Кадушин, В.С.Мухина, Л.Я.Олиференко, Н.А. Пантелеева, А.М.Прихожан, Э.Н.Риндина, Н.Н.Толстих, Н.М.Шагимуратова ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, австралиялик олим А.Адлер, америкалик психологлар Р.А.Шипиц, А.Ю.Марокколарнинг илмий-тадқиқот ишлари мазкур муаммо доирасида олиб борилган.

Агар бола ота-она меҳрига қониб яшар экан, у ўзининг мустақил ҳаёти давомида ота-онаси яратган тарбия моделини қайтадан тиклайди. Бу соҳа юзасидан хорижлик психологлардан Б.Ротенберг, Г.Аммон, С.Дзенушкатте, А.Адлер, А. Фрейд ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

А.А.Виноградова, Г.А.Боласоман, Э.А.Кондратенко, С.К.Нуртуканов, Л.И.Ефграфова, А.А.Лобанов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишлари Россия болалар уйлари тарбияланувчиларига бағишланган.

Миллий ифтихор юзасидан ҳамда миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришнинг психологик, педагогик имкониятлари, шакллари, методлари, йўллари, воситалари Д.Рўзиева, О.Очилова, К.Охунов, О.Халилов, Муҳайё Ўктамхон қизи, Н.Пўлатоваларнинг тадқиқот ишларида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Ҳадис илмининг таълим-тарбиявий аҳамияти муҳаддислар ал-Бухорий, Сулаймон Сижистоний, ат-Термизий, ал-Хожжаҳ, Аҳмад Насоий, ибн Можаларнинг ҳадислар тўпламларида инсонда акс этувчи ижобий ва салбий хислатлар мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага қайтариш, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш масалалари К.Петрович, Э.Тўхтамуродов, У.М.Асқарова, И.О.Ҳайдаров, Г.Юсупова, Н.А.Адилхонова, Л.Мўминова, Я.Чичерина, Э.Аъзамхўжаева, Г.Кошанова, Ф.Рўзиқулов,

Н.Эгамбердиева, Г.Ядгарова ва бошқа психолог, педагог олимларнинг тадқиқот ишларида кенг қамровда ёритилган.

**Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Термизий алломаларининг педагогик таълимотларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш” (2016-2018 йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш бўйича фалсафий, психологик, педагогик, дидактик, методик, адабиётларни таҳлил қилиш;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришнинг дидактик таъминотини шакллантириш;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларининг ўқув-тарбиявий жараёнларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш методлари, шакллари, воситалари ёрдамида баҳолаш мезонлари ва даражаларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш жараёни белгиланиб, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 12-, Тошкент шаҳридаги 22-, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги 5-, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйларида педагогик тажриба-синов ўтказилиб, унга 128 нафар тарбияланувчи жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш мазмуни, шакл, метод, воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, педагогик мониторинг, тажриба-сўров, ҳужжатларни ўрганиш, педагогик тажриба-синов натижаларининг миқдорий, сифатий ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида ривожлантиришда бағрикенглик тушунчаси ғоя, назария, қонуниятлардан муаммоли вазиятларда фойдаланиш, диний ва дунёвий илмларни “Муаммо” ва ўйин технологиялари воситасида дарсдан ташқари машғулотларда ўзаро уйғунлаштириш, интеграциялаш, медитация методларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадис намуналари воситасида психологик, маънавий тарбиялаш тизимининг аксиологик, қадриятли, тизимли фаолиятли, ривожлантирувчи каби компонентлари ва таянч компетенциялари мазмуни “Синквейн”, “Арт”, “Эвент” технологиялари воситасида импровация ва рефлексивлик тамойилларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислардан фойдаланиб тарбиялаш мазмуни ва шакли тарбия жараёнига ҳаётий вазиятларни турли хил соҳалардаги билимларни такомиллаштириш ”Ахборот узатиш”, “Ёмғир”, “Бинго” методларининг натижавийлик, мантиқийлик тамойилларини қўллаш асосида мувофиқлаштирилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурур психологик, педагогик, технологик, интегратив топшириқларни шахсий ижтимоий тажриба, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик каби компетенциявий ёндашув мезонларига мувофиқ бажариш, интерфаол таълим технологиялари ва дидактик воситаларни қўллаш асосида шакллантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Одобнома» дарслари (1-синф учун) // Ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси олинган (2019 йил 26 июнь, реестр № 001468);

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳадисларни тушуниб ўқиш, мустақил фикрлаш кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дидактик ўйинлар (ҳадисларга оид кроссворд) тўплами ишлаб чиқилган;

меҳрибонлик уйлари халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёрлаш мақсадида тарбияланувчининг ҳадисларни тўғри ўқиши ва талаффуз қилиши саводхонлигини, ҳадислар мазмунини тўғри шарҳлай олишлигини такомиллаштириш (ҳадис мазмунини тўғри тушуниш, таҳлил қилиш, ундан фойдаланишда мантиқий мулоҳаза ва мушоҳада юритиш, ўз муносабатини билдира олиш билими, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш) бўйича дидактик кўрсатма, методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни шакллантиришга оид 2 та методик қўлланма (“Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик асослари” ҳамда “Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга креатив ёндашиш”) яратилган, меҳрибонлик уйлари амалиётига жорий этилган, методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ёндашувлар, методларнинг мамлакатимиз ва хорижда психология, педагогика ва дидактикага оид илмий-тадқиқот ишларига, амалиётчи тарбиячиларнинг тажрибасига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-

бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг ишончлилиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги ва қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда психологик, педагогик, дидактик омиллар (эртақ, мақол, масал, ривоят)нинг аниқланганлиги, дарсдан ташқари тарбиявий соатларда, маънавий-маърифий тадбирлардаги мавжуд имкониятлар юзасидан хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг дарсдан ташқари бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар тизимини амалга оширишга доир олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик методлардан фойдаланиб таҳлил этишда ўқув-методик таъминоти ўрганилиб, 2017-2020 йилларга мўлжалланган педагогик тажриба-синов ишлари режаси ва дастури ишлаб чиқилди, белгиланган меҳрибонлик уйларига жорий қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Меҳрибонлик уйларининг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида:

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида ривожлантиришда бағрикенглик тушунчаси ғоя, назария, қонуниятлардан муаммоли вазиятларда самарали фойдаланиш, диний ва дунёвий илмларни уйғунлаштириш, интеграциялаш “Тарбия” ўқув фанлари мазмуни асосида медитация методларига устуворлик бериш орқали сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2435-сон маълумотномаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим марказининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/11-01/01-2557-сон маълумотномаси). Натижада, меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда ҳамкорликда ишлаш мазмуни бойитилган, сифати ва самарадорлиги оширилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадис намуналари воситасида психологик, маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими компонентларига имкон берувчи замонавий технологиялардан дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2435-сон маълумотномаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим марказининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/11-01/01-2557-сон маълумотномаси). Натижада, меҳрибонлик уйларининг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида

шакллантиришда аниқланган омиллардан меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларининг дарсдан ташқари машғулотларини ташкил этишда фойдаланилган;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга қаратилган интерфаол таълим технологияларидан маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2435-сон маълумотномаси, Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2019 йил 3 декабрдаги 01/543-сон маълумотномаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим марказининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/11-01/01-2557-сон маълумотномаси). Натижада, меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш сифати ва самарадорлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 19 та республика, 2 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, 2 та хорижий журналда мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 132 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети белгиланган, методлари, методологик асослари, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳамда тажриба-синовдан ўтганлиги баён этилган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан бири эканлиги қуйидагиларга кўра кўрсатиб берилган:

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ғамхўрлик давлат эътиборидаги муаммолардан бири эканлиги;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришнинг мавжуд ҳолати ҳамда ҳадис илмининг тарбиявий аҳамияти ўрганилиб асосланганлиги;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда «Тарбия» дарслиги асос қилиб олинган ва ундаги мавзуларга таянилган. «Тарбия» дарслигида одоб дурдоналари ва ҳикматлардан намуналар келтирилган. Бунинг сабаби ўқувчилар ҳадис илмини оилада, маҳаллада, катталар ва кексалар кўмагида ўрганиши эътиборга олинди.

Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларининг оилада кексалар даврасида ёки доимо маҳалладаги ибратли ишлардан тарбия олиб, вояга етиш имкониятига эга эмас. Шу боис бошланғич синфларнинг «Тарбия» дарслиги асосида мавзуларга мос ҳадислардан намуналар келтирилган. Ушбу методик таклиф ва тавсиялар меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга ёрдам берди.

Меҳрибонлик уйлари синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга оид дастлабки ҳолати аниқланди.

Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириб, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришнинг назарий асослари ишнинг биринчи бобида баён қилинди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш омил, шакл ва методлари**» деб номланиб, қуйидагилар ифода этилган:

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар воситасида тарбиялаш омиллари;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш воситалари;

меҳрибонлик уйлари бошланғич синфларида кейс-стади, чархпалак, бумеранг, муаммо каби технологиялар асосида ҳадислардан фойдаланиб, миллий ғурурни шакллантиришда кенг имконият мавжудлиги келтирилган.

Мустақиллик йилларида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ватанпарвар, фидойи инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Давлатимиз меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳар томонлама ҳимоя қилади. Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган тарбиячилар олдида масъулиятли вазифалардан бири-бу миллий ғурурли ёшларни тарбиялаш. Бу вазифани тарбияланувчининг илк бошланғич синф давриданок амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Уларда миллий ғурурни шакллантиришда ҳадислардан фойдаланиш самарали восита эканлиги қуйидагилар ҳисобланади:

меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларини дарсдан ташқари вақтларида ҳадислардан фойдаланиш одоб қоидаларига амал қилишга ўргатади. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларининг

«Тарбия» дарсларида олган билимларини мустаҳкамлаш учун ҳадислардан фойдаланиш дарсдан ташқари машғулотлар орқали амалга оширилди;

бошланғич синф «Тарбия» дарслигида болани одобга етакловчи турли мавзулар берилган бўлиб, улар мазмунига кўра, боланинг ёш хусусиятига мос келади, содда ва тушунарли ифодаланган. Мавзулардан болалар тўғри хулосалар чиқаради.

Мактабда таълим олаётган ўқувчилар «Тарбия» дарслигидаги мавзуларни уйда ота-онаси, кекса кишилар ёрдамида, катталар кўмагида, улар айтган ҳадислар асосида мустаҳкамлаб, ҳаёти давомида қўллай оладилар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бундай муҳитда эмаслиги маълум. Шунинг учун «Тарбия» дарслигидаги мавзуларни мустаҳкамлаш ва миллий ғурурни шакллантириш учун ҳадислардан фойдаланиш тавсия сифатида келтирилган.

Ҳадислар мазмунини тушунтиришда эртак, мақол, масал, ривоятлар каби омиллар келтирилган бўлиб, уларнинг мазмунини осон тушунишга имконият яратади. Келтирилган кроссвордлар тарбияланувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириб, кизиқишларини оширишга ёрдам беради. Қуйида келтирилган омиллар бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга хизмат қилади:

меҳрибонлик уйларининг 1-синф тарбияланувчилари ҳадислар мазмунини тушунишлари учун эртаклардан фойдаланиш;

меҳрибонлик уйларининг 2-синф тарбияланувчилари ҳадислар мазмунини тушунишлари учун мақоллардан фойдаланиш;

меҳрибонлик уйларининг 3-синф тарбияланувчилари ҳадислар мазмунини тушунишлари учун масаллардан фойдаланиш;

меҳрибонлик уйларининг 4-синф тарбияланувчилари ҳадислар мазмунини тушунишлари учун ривоятлардан фойдаланиш;

Ўқитишнинг интерфаол методлари билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар. Улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол машғулотларда тарбиячининг ўрни қисман тарбияланувчиларнинг фаолиятини машғулот мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. Бу жараён тарбияланувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва имкониятларини намоён этади, шунингдек, таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширади. Интерфаол методлар асосида ўтиладиган машғулотни ташкил этиш жараёни шундай кечадикки, бу жараёнда биронта тарбияланувчи четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда интерфаол методлардан дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида ҳадислардан фойдаланиб, миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасини аниқлашда кейс-стади, чархпалак, Бумеранг, муаммо технологияларининг самарали эканлиги

келтирилган. Шунингдек, меҳрибонлик уйларининг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришга қаратилган машғулотлар ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда келтирилган замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш тарбияланувчиларни интерфаол фаолиятга ундаши ҳақида фикрлар баёни ҳавола қилинди.

Илмий-тадқиқот ишимиз жараёнида меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида ҳадислардан фойдаланиб, миллий ғурурни шакллантириш юзасидан олиб бориладиган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди ва қуйида келтирилди (1-расм, 14-саҳифа).

Тадқиқот ишининг **«Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш»** номли III бобида диссертация материаллари асосида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари меҳрибонлик уйларининг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш дастури дидактик талаб ва тамойиллар асосида ҳавола этилиши дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнига кенг қамровда татбиқ қилишга имконият яратган. Шунингдек, бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш омиллари аниқланиб, улар синфдан ташқари машғулотлар самарадорлигининг оширилиши мақсадида ташкил қилинган.


Тажриба-синовнинг ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ташхис қилиш жараёнида мавзу юзасидан тажриба-синов мақсади, вазифалари аниқланиб, дастур ва режа ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари мамлакатимизнинг 4 та меҳрибонлик уйида ташкил этилиб, жами 128 нафар тарбияланувчи жалб қилинди.

Ташкилий тайёргарлик босқичида тажриба-синов майдончалари ва иштирокчилари, педагогик жараён тавсифи белгиланиб, методик, дидактик ҳамда ташкилий таъминоти меҳрибонлик уйларининг бошланғич синф тарбияланувчилари учун ишлаб чиқилди.

2017-2018 ўқув йилида тажриба-синовда 123 нафар тарбияланувчи жалб қилиниб, улардан тажриба гуруҳида 60 нафар, синов гуруҳида 63 нафар тарбияланувчи, 2018-2019 ўқув йилида 125 нафар тарбияланувчи қатнашиб, тажриба гуруҳида 61 нафар, синов гуруҳида 64 нафар, 2019-2020 ўқув йилида 128 нафар тарбияланувчи иштирок этиб, улардан тажриба гуруҳида 64 нафар, синов гуруҳида 64 нафар тарбияланувчи қатнашган.

Дарсдан ташқари машғулотларда бошланғич синф тарбияланувчилари имконияти, қобилияти, билими ҳисобга олиниб, бўш вақтини тўғри, мазмунли ва самарали ўтказиш, турли тадбир ва машғулотлар ташкил қилиш асосида уларда миллий ғурурни ҳадислардан фойдаланиб шакллантиришнинг дидактик-методик таъминоти таъминланди. Тажриба-синовнинг ташкилий таъминоти диссертацияда илгари сурилган илмий янгилик ҳамда ҳимояга тавсия этиладиган ҳолатларни меҳрибонлик уйлари амалиётида синаб кўриш, шарт-шароитларни аниқлаш, юқорида келтирилган таълим муассасалари томонидан тадқиқот ишини муҳокама этиш жараёнлари, тажриба-синовнинг



**1-расм. Мехрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш модели**

ташқил этилиши ва яқунланишини расмийлаштириш ҳамда тадқиқот иши жараёнида олинган натижаларни меҳрибонлик уйларида бошланғич синф тарбияланувчилари машғулотларда жорий этиш юзасидан амалий-методик тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асосланди.

Таҷриба-синовнинг асословчи бошқичи миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришни таъкидловчи, миллий ғурурни меҳрибонлик уйларида бошланғич синф тарбияланувчиларида ҳадислар асосида шакллантириш

тажриба-синов гуруҳларида олиб борилди. Умумлаштирувчи босқичда тажриба-синов натижалари алгоритми хи квадрат методи ёрдамида ишлаб чиқилиб, меҳрибонлик уйларида амалиётга жорий этилди.

Тажриба-синов ишлари юқорида таъкидланган таълим муассасалари-нинг шарт-шароити ва имкониятларига кўра олиб борилди. Тажриба-синов ишлари дастури меҳрибонлик уйлари-нинг бошланғич синф тарбияланувчи-ларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришни таъминловчи тадбирлар, олинган натижалар, вазифалар кетма-кетлиги ва изчиллиги сифатида белгиланиб, Тошкент, Термиз, Марғилон шаҳарлари ҳамда Китоб тумани тажриба майдончаларида мавзу юзасидан тажриба-синовнинг олиб борилиши масъул шахслар назоратида бўлди.

Машғулотларда қўлланиладиган дидактик ва тарқатма материаллар тадқиқот ишида таклиф этилаётган ечимлар асосида ишлаб чиқилиб, таълим воситаларидан фойдаланиш меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг эътиборидан ўтди, эътироф этилди. 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 ўқув йиллари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари натижаси меҳрибонлик уйлари-нинг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда тарбияланувчилар ўртасида олиб борилган суҳбатлардаги савол-жавоблар даражалаштирилди. Миллий ғурурнинг шаклланиши даражалари: (юқори, ўрта, қуйи) дейилиб, олиб борилган суҳбатлар натижаси таҳлил қилинди. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурнинг ҳадислар асосида шаклланиши даражалари тадқиқот натижаларига кўра, илмий жиҳатдан асосланди. Меҳрибонлик уйлари-нинг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари уларда миллий ғурур ҳақидаги тушунча ва билимларнинг дастлаб пастлиги, сўнгра тажрибалар якунида юқори даражага кўтарилганлигини кўрсатди.

Ҳар бир тажриба бажарилганда  $T_{\text{куз}}$  мезонлар (ТТН, ТНЖ, НЖ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$T_{\text{куз}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum \frac{(n_1 Q_{2i} - n_2 Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} \frac{1}{n_1 n_2} \left[ \frac{(n_1 Q_{21} - n_2 Q_{11})^2}{Q_{11} + Q_{21}} \frac{(n_1 Q_{22} - n_2 Q_{12})^2}{Q_{12} + Q_{22}} + \frac{(n_1 Q_{23} - n_2 Q_{13})^2}{Q_{13} + Q_{23}} \right]$$

Бу ерда:  $n_1$  - назорат «С» гуруҳдаги БСТ сони;


$n_2$  - тажриба «Т» гуруҳдаги БСТ сони;

$K_{2n}$  - биринчи танловда баҳо олган гуруҳдаги БСТ бўлиб, бу ерда:  $n$  ( $n$  - ТТЖ бўйича 2, НЖ бўйича 3);

$K_{2n}$  - иккинчи танловда баҳо олган БСТ сони бўлиб, бу ерда:  $n$  ( $n$  - ТТЖ бўйича 2, НЖ бўйича 3).

Тарбияланув-чилар сони	Тажриба-синовнинг дастлабки босқичи								
	2017-2018 т. г. -60 нафар, с. г.- 63 нафар			2018-2019 т. г. -61 нафар, с. г.- 64 нафар.			2019-2020 т. г. -64 нафар, с. г.-64 нафар		
	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба гуруҳи	26 (43,3%)	24 (40%)	10 (16,7%)	26 (42,6%)	26 (42,6%)	9 (14,8%)	28 (43,8%)	30 (46,8%)	6 (9,4%)
Синов гуруҳи	26 (41%)	24 (38%)	13 (21%)	27 (42,2%)	24 (37,5%)	13 (20,3%)	27 (42,2%)	25 (39%)	12 (18,8%)

Меҳрибонлик уйларида бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш бўйича тушунчаларнинг дастлабки ўсиш динамикаси.



**1- диаграмма. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш юзасидан ўтказилган дастлабки тажриба-синов натижалари.**

Тажриба-синовнинг дастлабки шакллантириш даражалари.

Ўтказилган тажриба-синовлардан кейин тарбияланувчиларнинг миллий ғурури, ифтихор туйғулари ҳадислардан фойдаланганликларидан сўнг қай даражада эканлиги тадқиқот хулосаларига кўра илмий жиҳатдан асосланди.

Тарбияланувчиларнинг жавоблари қуйидагича даражалаштирилди.

1-гуруҳ тарбияланувчиларида (юқори даража) миллий ғурур ҳақидаги тушунчалар тўлиқ намоён бўлганлиги билан тавсифланди. Бу гуруҳ тарбияланувчиларида Ватанга, миллий кадриятларга бўлган қизиқиш тарбияланганликнинг юқори даражасига хос. 2-гуруҳ тарбияланувчиларида (ўрта даража) миллий ғурур бўйича етарли тушунча пайдо бўлмаган. Шунингдек, миллий ғурур тушунчаси тўлақонли шаклланмаган. 3-гуруҳ


тарбияланувчиларида (қуйи даража) миллий ғурур тушунчаси етарлича шаклланмаган. Аммо билим, кўникма, малака ва компетенция эгаллаш эҳтиёжи мавжудлиги билан ифодаланади. Тажриба-синов ишлари Ўзбекистоннинг 4 та меҳрибонлик уйида (2017-2020 йиллар) ўтказилган тадқиқот натижалари юқорида келтирилган даражалаштиришлар бўйича гуруҳларга ажратилиб, тарбияланувчилар сони умумлаштирилган, тажрибагача ва тажрибадан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланган, тажриба гуруҳи ўрганилганда тадқиқот бошида 60 нафар тарбияланувчидан 10 (16,7%) нафари қуйи даражадаги, 24 (40%) нафари ўрта даражадаги, 26 (43,3%) нафар юқори даражадаги тарбияланувчи эканлиги маълум бўлган. Тажриба-синов ишларидан кейин тадқиқот якунида 64 нафар тарбияланувчидан 3 (4,7%) нафари қуйи даражадаги, 31 (48,4%) нафар тарбияланувчи ўзлаштириши ўрта даражада, 30 (46,9%) нафар тарбияланувчининг ўзлаштириши юқори даражада эканлиги аниқланди.

Синов гуруҳида тадқиқот бошида 63 нафар тарбияланувчидан 13 (21%) нафар қуйи даражадаги, 24 (38%) нафари ўрта даражадаги 26 (41%) нафар юқори даражадаги тарбияланувчи эканлиги маълум бўлди. Тажриба-синов ишларидан кейин тадқиқот якунида 64 нафар тарбияланувчидан 9 (14%) нафари қуйи даражадаги, 26 (41,3%) нафар тарбияланувчи ўзлаштириши ўрта даражада, 29 (45%) нафар тарбияланувчининг ўзлаштириши юқори даражада эканлиги аниқланди. Бу натижалар бўйича тарбияланувчиларда миллий ғурурнинг ўсиш динамикаси, яъни статистик фарқ 9,3% эканлиги аниқланди. Демак, тажриба гуруҳида тадқиқот якунида, бунда  $B_K$ -4,7% (қуйи), 48,4% (ўрта) ва 46,9% (юқори). Синов гуруҳи тадқиқот якунида,  $T_K$  - эса 14% (қуйи), 41% (ўрта) ва 45% (юқори) даражадаги қийматларга эга бўлди.

3-жадвал

Тарбияланувчилар сони, нафар	Тажриба-синовнинг якуний босқичи								
	2017-2018 т. г. -60 нафар, с. г. - 63 нафар			2018-2019 т. г. -61 нафар, с. г. - 64 нафар.			2019-2020 т. г. -64 нафар, с. г. -64 нафар		
	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба гуруҳи	26 (43,3%)	24 (40%)	10 (16,7%)	28 (45,9%)	27 (44,3%)	6 (9,8%)	30 (46,9%)	31 (48,4%)	3 (4,7%)
Синов гуруҳи	26 (41%)	24 (38%)	13 (21%)	28 (43,8%)	25 (39%)	11 (17,2%)	29 (45%)	26 (41%)	9 (14%)

Меҳрибонлик уйлариининг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш анкета сўровномалари ва тест синови самарадорлиги математик-статистик методдан фойдаланиб текшириб кўрилди.



**2-диаграмма. Меҳрибонлик уйлариинг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш юзасидан ўтказилган якуний тажриба-синов натижалари диаграммаси келтирилди.**

Олиб борилган тажриба-синов ишлари меҳрибонлик уйлариинг бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантириш сифатига самарали таъсир этиши тўғрисида хулоса, таклиф ва тавсиялар беришга асос борлигини кўрсатди.

**ХУЛОСАЛАР**

1. Ҳар бир меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар ўзларига кераклича дастлабки миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда педагогик қарашлардан фойдаланишди. Тажриба-синов ўтказилган тарбия масканларида тарбияланувчилар Ватан туйғуси, Ватанга меҳр, Юрт соғинчи қабиларни янада чуқур ҳис этадиган бўлдилар. Тажриба-синов жараёнида пайдо бўлган миллий ғурур ҳақидаги назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенциялардан фойдаланилди. Тажриба-синов ишлари мақсадга мувофиқ натижа билан якунланди.

2. Олиб борилган тадқиқот ишимиз натижаси шуни кўрсатдики, ҳадис илми мазмунида Ватанга муҳаббат, Юртга садоқат ва миллий ифтихор туйғуларини, яъни миллий ғурурни шакллантириш ва тарбияланувчилар онгига сингдириш муҳим ўринни эгаллаши илмий-тадқиқот ишимизда ўз тасдиғини топди. Тарбияланувчиларда ҳадислар асосида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда тадқиқот натижалари асосли эканлигини кўрсатди ва ҳадис илми Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, ифтихорнинг шаклланиб боришига катта ҳисса қўша олиши, уларни тажрибалар асосида ривожантиришни амалга оширишни тасдиқлади.

3. Ҳадисларда миллий ғурурни шакллантиришга оид қарашларнинг турли кўринишлари алоҳида ўринни эгаллаб келди. Улар тарбияланувчилар онгида миллий ғурурнинг мазмун моҳиятини тўғри англашида муҳим тарбиявий мезон ҳисобланади, уларнинг натижасида баркамол инсон ғояси ётади. Шунингдек, ҳадисларда тарбияланувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга оид

қарашлар мазкур муаммонинг кўпгина жиҳатларини қамраб олгани ҳолда, улар муайян педагогик қарашлар тизимини ташкил этди.

4. Ҳадис илми аждодларимиз асарларида ўз ифодасини топган. Улар ёш авлод тарбиясида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Буни ҳозирги замон педагогикаси тўла эътироф этади, тарбияланувчиларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда ҳадислар муҳим восита бўлиб ҳисобланди.

5. Тарбияланувчиларда миллий ғурур тушунчаси серқирра ва сермазмунлигининг илмий-назарий, амалий асосларини тушунтириш, тарбияланувчилар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий тадбирларда миллий ғурур туйғуси каби ҳисни шакллантиришда халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланилди.

6. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учрашувлар, конференциялар, ижодий ва баҳс-мунозара кечалари, дебат клублар ташкил этиш ва мамлакатимизда Ватан мадҳини куйловчи шоир ва ёзувчилар билан турли хил учрашув кечалари ташкил этиб турилди, олиб борилган турли хил маънавий-маърифий тадбирларга тарбияланувчилар жалб қилинди.

7. Тажриба-синов ишлари ўтказилган таълим муассасаларида тарбияланувчилар миллий ғурурни янада чуқур ҳис этадиган бўлдилар, тажриба-синов жараёнида пайдо бўлган миллий ғурур ҳақидаги билим, кўникма, малака ва компетенциялардан тарбиячилар ўз тарбияланувчиларида кузатдилар.

## **ТАВСИЯЛАР**

1. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришни ўқув дастури ва режаси, ДТС мазмунига сингдириш ва 1-4 синфлар “Тарбия” дарслиги мазмуни билан боғлиқликда машғулотларни самарали ташкил этиш.

2. Меҳрибонлик уйлари ва патранат оила тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда тарбиячи-педагогларга дидактик восита сифатида ўқув-методик қўлланмалар мажмуасини яратиш.

3. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчилари учун электрон қўлланма ва дарслик яратиш.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.PED.78.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КАРИМОВА БИБИХОЛ ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ НА ОСНОВЕ  
ХАДИСОВ У ВОСПИТАННИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ДОМОВ  
МИЛОСЕРДИЯ**

**13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Термез-2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/Ped1070.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)), а также на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

Научный руководитель:	Махмудов Юсуп Ганиевич доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Рузиева Дилноз Исомжоновна доктор педагогических наук, профессор
	Шадиша Нарзикул доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «10» марта 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 по присуждению ученых степеней при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, город Термиз, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.:(99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz); e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за № 42) Термезского государственного университета.(Адрес: 190111, город Термез, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.:(99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz); e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан « 1 » 03 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 3 от 1.03. 2022 года).



  
И.Чариев

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н.,  
профессор.

  
М.К.Бозорова

секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.п.н.,  
доцент.

  
Х.Ж.Худойкулов

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., доцент.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире проблемы социальной защиты и воспитания детей, потерявших своих кормильцев, всесторонне изучены в научно-исследовательских работах, полученные результаты эффективно реализованы в практике. Ребенок в процессе взросления может стать сиротой по различным социальным причинам. Вопросы профилактики сиротства решаются на примере семьи фостера. В результате это будет поводом для предотвращения ситуации, чтобы дети не остались сиротами.

В соответствии с Конвенцией «О правах ребенка», принятой Генеральной Ассамблеей Организации Объединенных Наций 20 ноября 1989 года, приемные дети будут социальной защитой. Определена ответственность каждого государства в выполнении поставленной цели. В частности, в ней обращается особое внимание на формирование личностных качеств у детей в детских домах, профилактику преступности и нарушения законодательства среди беспризорных детей, учитывая, что ребенок никогда не рождается преступником, что его можно перевоспитать. В научных работах ученых нашей страны особый акцент делается на вопросах управления воспитанниками домов милосердия, подготовки их к семейной жизни, воспитания у них национальной гордости, учета их индивидуальных и социально-психологических особенностей, специфики кишечного микробиоценоза и иммунной системы детей, формирования толерантности, совершенствования форм, методов и средств коррекционно-педагогической работы с воспитанниками.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 28 июня 2021 года на видеоселекторе, посвящённом по поддержке детей, и проживающих в домах милосердия отмечал: «Необходимо разработать совершенно новые методы работы с детьми, находящиеся в «Домах милосердия», организовать воспитательные, учебные условия с обучением иностранному языку, предпринимательству, профессии, заниматься спортом».

В 64 статье Конституции Республики Узбекистан гарантировано социальная защита и полный контроль воспитанников домов милосердия.

Данная диссертационная работа в определённой степени послужит реализации задач, установленных в 54 статье законе «Об образовании» Республики Узбекистан, Постановлении №ПП-4185 от 11 февраля 2029 года «О дополнительных мерах по усилению социальной защиты детей – сирот, оставшихся без попечения родителей», Постановлении №171 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 апреля 1999 года «О семейном кодексе», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №824 от 30 сентября 2019 года «О мерах по выбору альтернативных форм размещения детей – сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, укрепление семьи и совершенствованию системы профилактики социального сиротства», а также в Положении о «Доме милосердия», утверждённого Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №230 от 17

октября 2019 года, а также других нормативно-правовых актах, связанные с данной деятельностью.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, культурных, духовно-просветительских, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

